

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.65.89.031>

Комолова Фаридахон Қодиржоновна,

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

гуманитар фанлар кафедраси ўқитувчisi,

Андижон, Ўзбекистон

**Аннотация.** Мақолада бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бўлган олий таълим муассасаларидағи олиб борилган ислоҳотлар, тизимдаги ўзгаришлар, сиёсий-ижтимоий соҳалардаги олий таълим тизимига доир ислоҳотлар ёритилган.

**Калим сўзлар:** ислоҳот, Ҳаракатлар стратегияси, сиртқи ўқитии шакли, кундузги таълим, шакли, кечки таълим шакли, бакалавр, магистратура, фалсафа доктори (*PhD*), дефектолог-логопед.

## ИЗМЕНЕНИЯ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА

Комолова Фаридахон Қодиржоновна,

Андижанский институт сельского хозяйства и агротехнологий

преподаватель кафедры гуманитарны науки

Андижан, Узбекистан

**Аннотация.** В статье рассматриваются реформы, проводимые в высших учебных заведениях, изменения в системе, реформы, связанные с системой высшего образования в политической и социальной сферах, одна из наиболее актуальных задач сегодняшнего дня.

**Ключевые слова:** реформа, стратегия действий, формы заочного образования, форма дневного образования, форма вечернего образования, степень бакалавра, степень магистра, доктор философии (*PhD*), дефектолог-логопед

## CHANGES IN THE HIGHER EDUCATION SYSTEM OF UZBEKISTAN

Komolova Faridahon Qodirjonovna,

Andijan Institute of Agriculture and Agro technologies

Teacher of the Department of humanities of science

Andijan, Uzbekistan

**Abstract.** The article covers reforms carried out in higher education institutions, changes in the system, reforms related to the higher education system in political and social spheres, one of the most urgent tasks of today.

**Keywords:** reform, strategy of action, forms of correspondence education, form of daytime Education, form of evening Education, Bachelor's degree, master's degree, Doctor of Philosophy (*PhD*), ditectologist-logoped



Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий соҳаларида кечаётган ислоҳотларни муваффақияти, ватан тараққиёти салоҳиятли, юқори билим ва малакага эга мутахассисларга боғлиқ. Кейинги йилларда олий таълим тизимида кечаётган туб ислоҳотларнинг бош мақсади ҳам айни эзгу интилишларни кўзлаши билан аҳамиятлидир.

Президентимиз Шавкат Мироновичнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида ҳам олий таълим тизимида таҳсил олиш учун тенг имконият яратишга оид масалаларни такомиллаштириш, давлатимизда битиравчиларни олий таълимга тўла қамраб олиш даражасини ошириш, олий ўқув юртлари нуфузини юксалтириш, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Дарҳақиқат, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган масалалар ва илгор хорижий тажрибаларни татбиқ қилиш асосида юқори малакали мутахассислар, педагог ва илмий кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратилмоқда [1].

Давлатимизда олий таълим соҳасида кечеётган ўзгаришлар жараёни ота-оналар, ўқишига иштиёқи баланд бўлган ёшлар, кенг жамоатчиликнинг фикри, таклиф ва мулоҳазалари асосида амалга оширилаётгани эътиборга лойикдир. Жумладан, кундузги таълим билан биргаликда кечки, сиртқи ўқитиши шаклларининг қайтадан жорий этилгани, янги-янги олий ўқув юртларининг ташкил этилаётгани, олий таълимда ёшлар қамровининг тобора ошиб бораётгани бу йўналишдаги эзгу ташаббусларнинг ҳаётий ифодасидир.

Бугунги кунда республикада 114 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, улардан 93 таси маҳаллий ҳамда 21 таси хорижий олий таълим муассасаси ва уларнинг филиаллари ҳисобланади. Жумладан, сўнгги 3 йилда янги 6 та олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилди [2]. Бу қўрсаткич 2018/2019 ўқув йилида 86 тани ташкил этган.

Ёшларни олий таълимга янада кенгрок жалб қилиш мақсадида олий таълим муассасаларига талабалар қабул квоталари оширилмоқда. Янги йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича малакали кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда, юртимизда янги олий таълим муассасалари ҳамда хорижий давлатлардаги нуфузли университетлар филиаллари очилмоқда.

2019/2020 ўқув йилида 59 та олий таълим муассасасида сиртқи таълим, 10 та олий таълим муассасасида кечки таълим шакли жорий этилди [3].

2020/2021 ўқув йилида олий таълим муассасаларида кундузги таълим шакли бўйича қабул квоталарининг оргтанлиги билан бир қаторда, 51 олий таълим муассасасида сиртқи таълим, 22 олий таълим муассасасида махсус сиртқи таълим ва 9 олий таълим муассасасида кечки таълим шакллари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш

йўлга қўйилди.

Давлатимизиктисодиётитармоқлари ва соҳаларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, янги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2018/2019 ўқув йилида бакалавриат таълим йўналишлари бўйича 66 тани, магистратура мутахассисликлари бўйича 48 тани ташкил этди.

Хозирги кунда жами талабалар сони 344790 нафарни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2017/2018 ўқув йилида эса 279674 нафар эди.

Талабалар сонининг ошиши, ўз навбатида, профессор-ўқитувчилар сонининг ҳам ортишини тақозо этмоқда. Мамлакатимиз олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар сони жорий ўқув йилида 25418 нафарга етди.

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб 11 та олий таълим муассасасида хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастури асосида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Хозирги кунда қўшма таълим дастури асосида жами 1130 нафар талаба таҳсил олмоқда.

2017 йил февралда Президентимизнинг илмий кадрларни тайёрлашнинг икки босқичли тизимиға ўтиш тўғрисидаги Фармони қабул қилинди ва унга кўра биринчи босқич фалсафа доктори (PhD) ҳалқаро талабларга мувофиқ тайёрлана бошлади. Докторантурага қабул квотаси икки баробар ошди. Диссертацияни кўриб чиқиши тартиби соддалаштирилди. Илмий ишлар ҳимояси 2017 йилда 2016 йил билан солиштирганда 2 марта ва жорий йилнинг ярим йил натижалари бўйича 2,5 марта кўпайди [4].

Олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти 2020/2021 ўқув йилида ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ортди. Шу билан бирга тизимдаги раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. 2017 йилдан олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимиға масофавий ўқитиши шакллари жорий этилди, бугунги кунга қадар 1855 нафар тингловчи мазкур курсларда малакасини оширди. Айни пайтда масофавий курс тингловчилари учун вебинар технологиялар асосида онлайн маъruzalар ташкил этилиши йўлга қўйилган.

2020 йил давомида мактабгача таълим муассасаларини олий маълумотли кадрлар билан таъминлаш мақсадида 14 та таянч олий таълим муассасасида касбий қайта тайёрлаш курслари фаолияти ташкил этилиб, бугунги кунга қадар 15110 нафар тингловчи бу курсларни муваффақиятли якунлади ва мактабгача таълим муассасаларига ишга юборилди. Айниқса “Дефектолог (логопед)”, “Амалий психолог”, “Мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси” каби ихтисосликлар бўйича таҳсил олган ёшлар жойларда муваффақиятли иш олиб боришишмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда олий таълимни давр талаби, ижтимоий-иктисодий соҳа талабидан келиб чиқсан ҳолда ислоҳ этиш, ёшларнинг олий таълимга бўлган эҳтиёжини қондириш, юртимизни



жадал равнақ топтириш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишларнинг ёркин ифодасидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, ПФ-5847-сон, 2019 йил 8 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, ПФ-5847-сон, 2019 йил 8 октябрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг илмий кадрларни тайёрлашнинг икки босқичли тизимига ўтиш тўғрисидаги Фармони 2017 йил февралда.